

## Улкан ҳикмат



07:10 / 12.09.2019 1614

Толҳа ибн Мусарриф айтади: «Ҳайсамадан: «Қайси нарса ҳосилсиз пайтида ҳам, ҳосилдорлик пайтида ҳам семираверади? Қайси нарса иккала ҳолатда ҳам озаяверади? Қайси нарса асалдан ҳам ширин ва тугаб қолмайди?» деб сўрашди. «Ҳосилсиз пайтида ҳам, ҳосилдорлик пайтида ҳам семирадиган нарса мўмин кишидир. Аллоҳ ризқ берса, шукр қилади, мусибат келса, сабр қилади. Ҳосилсиз пайтида ҳам, ҳосилдорлик пайтида ҳам озаяверадиган нарса кофирдир. У берганига шукр қилмайди, мусибатга учраса, сабр қилмайди. Асалдан ҳам ширин ва тугамайдиган нарса - Аллоҳ таоло мўминлар орасига солиб қўйган дўстликдир», деди».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**